

Чиройли муомала ва ҳақларни билиш



09:10 / 07 январь 1511

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Кишилар ўзаро муносабатда мулойим сўз, очиқ юзли бўлиши керак. Яхшига ҳам, ёмонга ҳам, бидъатчига ҳам, суннатга амал қилган мусулмонга ҳам бир хил хушмуомала қилинаверади. Чунки Аллоҳ таоло Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломга:

«Бас, унга (Фиръавнга) юмшоқ сўз сўзланглар!», деган (*Тоҳо сураси, 44-оят*). Бас, сен Мусо ва Ҳорундан афзал эмассан ва ҳар қандай фожир Фиръавндан ифлосроқ эмас. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло у икки зотга Фиръавнга мулойим гапиришни буюрди.

Иброҳим Ҳамза Омирийдан, у Талҳа ибн Умардан ривоят қилади. У: «Мен Атога: «Сизнинг олдингизга ҳар хил кишилар келади, мен ёлғизликни яхши кўраман, уларга баъзан қўпол сўзларни айтаман», дедим. У: «Бундай қилма, чунки Аллоҳ таоло **«Инсонларга чиройли гапиринглар»,** деб буюрган». Оятдаги «инсонлар» сирасига яҳудий ва насронийлар ҳам киради. Шундай экан, энди қандай қилиб тўғри йўлдаги киши билан яхши муомала қилинмасин», деди».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизлар инсонларга молларинг билан кенглик қила олмасаларинг, очиқ юз ва чиройли хулқларинг**

билан кенглик қилинглар», дедилар.

Умар розияллоҳу анҳу: **«Ким биродари билан дўстлиги соф бўлишини хоҳласа, уни яхши кўрган исмлари билан чақирсин, унга йўлиққанида салом берсин ва мажлисни унга кенг қилсин»** (яъни, ўтиришига жой берсин), дедилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша розияллоҳу анҳога: **«Қўпол бўлма, агар бирортада қўполлик бўлса, у ёмон одамдир»,** дедилар.

Яхшиликдан олдин яхшилик қилиш фазилат, яхшиликдан кейин яхшилик қилиш мукофот, ёмонликдан кейин яхшилик қилиш улуғлик, ёмонликдан олдин ёмонлик қилиш жабр-зулм, ёмонликдан кейин ёмонлик қилиш тенглашиш, яхшиликдан кейин ёмонлик қилиш маломат ва шумликдир, дейилади.

Фақиҳ раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Киши ўзидан катта кишининг ҳаққи-ҳурматини билиши ва улуғлаши лозим. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қайси йигит қари кишини улуғласа, Аллоҳ уни қариганида ҳурмат қиладиган йигитга йўлиқтириб қўяди», деганлар. Лайс ибн Муслим: «Мен Талҳа ибн Мутриф билан бирга кетаётган эдим. У мендан олдин ўтди, сўнг: «Агар мендан бир кун катта эканингни билганимда, сендан олдин ўтмасдим», деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким катталаримизни улуғламаса ва кичикларимизга раҳм қилмаса, у биздан эмас»,** деганлар.

«Бўстонул Орифийн» китобидан